**"Тасдиқлайман"**

Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси

бошлиғи ввб: М.Исаев

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

**Наманган вилоят бошқармаси тасарруфидаги Туман (шахар)ларнинг марказ ва олис худудларида жойлашган мактаб ўқувчиларини хорижий тиллардаги (инглиз тили) билим даражаларини янада ривожлантириш мақсадида нодавлат таълим ташкилотлари томонидан ўқув машгулотларини ташкил этиш хизмати.**

## М У Н Д А Р И Ж А


I. Танлов иштирокчиси учун кўрсатма.

II. Лот хақида маълумот.

III. Шартнома лойихаси.


## I. Танлов иштирокчиси учун кўрсатма.

| | |
|---|---|
| **1.Умумий қоидалар** | 1.1 Ушбу танлов хужжатлари 22.04.2021 йил 684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари” тўғрисидаги қонун талаблари асосида ишлаб чиқилди |
| | 1.2 Танлов предмети, танлов учун ажратилган маблағ, валюта, танлов жойлаштириш вақти, танлов лоти хакида маълумот хужжатларида кўрсатилган. |
| | 1.3 Хизмат кўрсатиш учун техник топширик танлов хужатини техник қисмида кўрсатилган. |
| | 1.4 Танлов ўтказиш учун берилган эълон беш иш кундан кам бўлмаган муддатга берилиши ва таклифларни қабул қилиш лозим |
| | 1.5.Харид комиссияси мажлиси баёни –электрон шаклда тузилади. |
| | 2.1 .Танлов буюртмачиси Наманган вилоят халқ таълими бошқармаси (кейинчалик –буюртмачи)саналади. Юридик адреси: Наманган вилоят Давлатобод тумани 3-кичик нохия |
| | 2.2. Буюртмачи вакилининг алоқа телефони: |

<table>
<tr><td rowspan="3">2.Танлов ташкилотчилари</td><td>Бухгалтерия хисоби  ва Давлат харидлари бўлими бошлиғи А.Хамралиев<br>тел: 94-500-99-80</td></tr>
<tr><td>2.3 Наманган вилоят халқ таълими бошқармасининг харид комиссияси ишчи орган  (кейинчалик –ишчи орган) хисобланади.</td></tr>
<tr><td>2.4.Танлов хужжатлари қонунда белгиланган беш кишидан кам бўлмаган харид комиссияси томонидан бахоланади.</td></tr>
<tr><td>3.Танлов иштирокчилари</td><td>3.1 Танловда барча нодавлат таълим муассасалари шу мазмунда иш ва  хизматлар курсатишга ихтисослашган  юридик макомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин</td></tr>
<tr><td rowspan="3">4.Танлов ўтказиш тартиби</td><td>4.1 Танловда қатнашиш учун иштирокчи  қонун хужжатларига ва муддатларига мувофиқ электрон танлов таклифи бериши лозим</td></tr>
<tr><td>4.2.Қуйдаги талабгорларга танлов жараёнида иштирок этишга рухсат берилмайди.</td></tr>
<tr><td>Кайта ташкил этилиш (ажратилиши, кушилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлар, мол-мулки мусодара килинганлар, хамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий карамлиги мавжудлар ташкилотлар</td></tr>
<tr><td rowspan="2">5.Танлов тили ва ўлчов бирлиги</td><td>5.1Иштирокчи ва буюртмачи ўртасидаги танлов таклифи    ва  унга боғлиқ хужжатлар давлат тилида бўлиши лозим.зарур холларда чет тилида булиши мумкин.Чет тилида танлов таклифлари тақдим этилганда ўзбек ёки рус тилидаги таржимаси хам тақдим этилиши лозим.Чет тилидаги таржимасиз тақдим этилган таклифлар кўриб чикилмайди ва иштирокчи дисквалифиция қилинади.</td></tr>
<tr><td>5.2 Танлов таклифида умумий рухсат берилган ўлчов бирлиги бўлиши лозим</td></tr>
<tr><td rowspan="10">6.Танлов таклифлари ва уни руйхатга олиш тартиби.</td><td>6.1. Электрон танловда иштирокчилар узларини танлов таклифларини электрон шаклда шахсий кабинетларидан белгиланган муддатдан кечикмай беришлари лозим.</td></tr>
<tr><td>6.2.Хар бир жойлаштирилган  танлов хужжати иштирокчи электрон калити орқали тасдиқланади.</td></tr>
<tr><td>Танлов таклифлари билан биргаликда танлов иштрокчиси файл кўринишида расм,чизма,эскиз,расм ва бошқа хужжатларни жойлаштириши мумкин.</td></tr>
<tr><td>6.3. Электрон танлов иштирокчиси:</td></tr>
<tr><td>Бир дона  лот учун бир дона танлов таклифи бериш хуқуқига эга.</td></tr>
<tr><td>Тақдим этилган маълумот ва хужжатлар хақиқийлиги ва ишончлилигига жавобгарликни олади.</td></tr>
<tr><td>Таклиф бериш муддати тугагунча берилган таклифни бекор килиш ёки унга ўзгартириш киритиш мумкин.</td></tr>
<tr><td>6,4.Электрон система оркали танлов таклифлари элонда кўрсатилган муддати ва вақти келгандан сўнг тугатилади.</td></tr>
<tr><td>6.5. Иштирокчини танлов таклифини амал қилиш муддати 30 кундан кам бўлмаслиги керак.</td></tr>
<tr><td>6.6.Танлов таклифини бериш билан биргаликда иштирокчи танловни барча шартларига кўнганлиги ва танлов бўйича хеч қандай келишмовчилик ва шикоятлари йўқлигини англатади.</td></tr>
<tr><td>Танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш</td><td>Зарур холларда буюртмачи танлов хужжатларига ўзгартириш киритиши мумкин.<br>Танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш буйича қарор танлов таклифлари бериш муддати тугашига камида бир иш куни қолганда қабул қилиниши мумкин .<br>Танлов хужжатларига ўзгартириш киритиш жараёнида махсулот (иш,хизмат) ёки унинг хусусиятлари ўзгартириш киритишга йул қўйилмайди.<br>Таклиф бериш муддати тугамасдан танлов хужжатларига ўзгариш киритилган тақдирда, танлов ўзгартириш киритилган кундан уч иш кундан кам бўлмаган муддатга узайтирилади.</td></tr>
</table>

| | |
|---|---|
| **Томонларни жавобгарлиги** | 6.2. Давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар<br>6.3. Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир<br>6.4. Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.<br>Шартнома шартлари буйича мажбуриятларни (миқдор ва сифат параметрлари) бажармаган танлов ғолиби Ўзбекистон республикаси қонунчилигида белгиланган жавобгарликка тортилади. |
| **Бошқа шартлар** | Танловда иштирок этиш истаги бўлган қатнаштилар ишчи органига мурожат қилиб ўтказиладиган танлов бўйича батафсил тушинтириш олиши мумкин.<br>7.3. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хакли.<br>Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун- мохиятини узгартирмаслиги керак<br>Қуйдаги холларда танлов комиссияси томонидан танлов ўтказилмади деб эълон қилиниши мумкин.<br>танловда бир иштирокчи ёки иштирокчи қатнашмаган тақдирда<br>Агар таклифларни кўриб чиқиш жараёнида танлов комиссияси танлов хужжатлари шартларига мувофик эмаслиги учун берилган таклифни рад этса |
| **Шартнома тузиш** | Танлов хужжатлари ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган танлов иштирокчиси ғолиб хисобланади.<br>Танлов натижаларига кўра танлов хужжатларида ва таклифда кўрсатилган шартлар бўйича шартнома тузилади. Танлов ғолиби шартнома тузишдан бош тортса гаров пули қайтариб берилмайди. Бундай вазиятда захира ғолиб аниқланган булса шартнома тузилади мажбуриятларни бажариш унга ўтади.Захира ғолиб билан голиб иштирокчи берган таклиф нархида шартнома тузилади.Агар захира ғолиб аниқланмаган ва шартнома тузишдан бош тортса буюртмачи янги электрон танлов ўтказади |

**Бошқарма бошлиғи ўринбосари:** **Т.Қирғизов**

**Бош хисобчи:** **А.Хамралиев**

**Метод бўлим бошлиғи:** **А.Дарвишхужаев**

**Чет тили методисти:** **М.Насриддинов**

**Тақдим этиладиган хужжатлар руйхати.**

1.Танлов иштирокчисини давлат руйхатидан ўтганлиги ва лицензияси нусхаси.

2.Ўқув марказида ўқув курслари учун юқори малакали,халқаро тан олинган, энг камида 6(олти) даражадаги IELTS (ёки унга тенглаштирилган) сертификатга ва етарли иш тажрибасига эга бўлган ўқитувчи ходимлари тўғрисида маълумот.

3.Ўқув курси ташкил этишда керак бўладиган (оргтехника, ўқув адабиётлар ,тарқатма материаллар ва хокозо) моддий қийматликлар балансида мавжудлиги тўғрисида маълумот.

4.Молиявий холати-ўқув курсини ташкил этиш учун етарли айланма маблағга эгалиги тўғрисида (банкдан) маълумот.

5.Ўқув маркази томонидан хорижий тилларни (Инглиз тили) курсини ташкил этиш режаси.

6.Хорижий тиллардаги (Инглиз тили) курсини ташкиллаштириш бўйича (мактабда мавжуд хоналарни ўқув соатларда қабул қилиб олиш ва топшириш графиги.

7.Танлов иштирокчиси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган мехнат қонунчилиги ва техника хавсизлигига амал қилиши тўғрисида кафолат хати.